



Global Support Local Knowledge

NAZORAT-AUDIT AUDITING COMPANY

**«Учқўрғон пахта тозалаш» акциядорлик жамиятининг
2016 йил якуни бўйича тузилган молиявий хисоботиغا
Ижобий фикр билдирилган**

АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

Акциядорлик жамияти таъсисчилари ва раҳбариятига

Аудиторлик ташкилоти тўғрисида маълумот

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «NAZORAT-AUDIT» аудиторлик ташкилоти.

Ўзбекистон Республикаси. 100015. Ташкент шаҳри, Миробод туман, Госпиталь даҳаси 11/2. телефон: +998 95 144 74 55 Факс: +998 71 150 23 01. email: lt_d_nazorat-audit@mail.ru, web: www.nazorat.uz.

Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида гувоҳнома - № 545, 2007 йил 11 декабр куни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан берилган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан «Барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви»ни ўтказиш бўйича аудиторлик фаолиятини амалга оширишга рухсат берувчи Лицензия - Серияси АФ, № 00067, 2008 йил 28 июл куни берилган.

Ҳисоб рақами: 20208000604007713001, «DAVR-BANK» ХАТБ, Чилонзор филиали, МФО-01046, СТИР: 202884570, ХХТУТ 84400.

Аудиторлик ташкилоти директори: Назаров Баҳодир Немаатович САР, «Аудитор малака сертификати» - № 05207, 2014 йил 26 апрел куни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан берилган.

Аудиторлик текшируви ўтказилаётган корхона тўғрисида маълумот

«Учқўрғон пахта тозалаш» акциядорлик жамияти

Ўзбекистон Республикаси, Наманган вилояти, Учқўрғон тумани, Учқўрғон шаҳар, Чинор кўча, 1- уй, почта индекси 160900.

Телефон: 2-12-04.

Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида гувоҳнома № 206, 2004 йил 29 июн куни Учқўрғон туман ҳокимлиги ҳузуридаги «Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан берилган.

Ҳисоб рақами: 20210000900373802001, АТ«Агробанк» Учқўрғон бўлими, МФО 00246, СТИР: 200062796, ХХТУТ: 17111.

Жамият Бош директори: О.А.Холматов.

Бош ҳисобчи: Ш.С.Абдуллаев.

Мен, масъулияти чекланган жамият шаклидаги "NAZORAT-AUDIT" аудиторлик ташкилотининг аудитори Зикрияев Чинорқул, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2016 йил 26-мартда берилган №05375 "Аудитор малака сертификати", аудиторлик ташкилоти билан "Учқўрғон пахта тозалаш" акциядорлик жамияти ўртасида 2017 йил 15 феврал кўни тузилган 50/15-Н сонли шартномага асосан "Учқўрғон пахта тозалаш" акциядорлик жамияти томонидан тақдим этилган "Бухгалтерия баланси" – № 1 шакл, "Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот" – № 2 шаклларида иборат 31.12.2016 йил ҳолатидаги молиявий ҳисоботининг ишончлилигини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувида асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз "Учқўрғон пахта тозалаш" акциядорлик жамиятининг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект "Учқўрғон пахта тозалаш" акциядорлик жамиятининг 2016 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

Аудиторлик ташкилоти раҳбари

Б.Н.Назаров.

Аудитор

Ч.Зикрияев.

Хулоса тузилган сана 15.03.2017 й.

